DOI: https://doi.org/10.37547/supsci-ojp-05-03-24 Pages: 214-222

Oriental Journal of Philology



ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY

journal homepage:
http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about



# THE IMAGE OF A WOMEN IN THE ARAB ORAL STORIES

***Gulnora S. Mutalova***
***Associate Professor, PhD in Philology***
***Department of Arabic Studies***
***Tashkent State University of Oriental Studies***
***Email:*** gmoutalova@gmail.com
***Uzbekistan, Tashkent***

## ABOUT ARTICLE

**Key words:** character, hero, female image, oral stories, tribal traditions, “Ayyam al-Arab”, pre-Islamic society, Bedouin woman, “muruvva”, individual qualities.

**Received:** 06.03.25
**Accepted:** 08.03.25
**Published:** 10.03.25

**Abstract:** This article is devoted to the study of the role and place of women in pre-Islamic society, its essence and merits, positive and negative aspects, which received artistic reflection in the early medieval oral narratives “Ayyam al-Arab”. For this purpose, some tribal stories – “Days” were selected and analyzed, on the basis of which the main participants of historical events, heroines of that time were identified, and an attempt was made to classify them.

# АРАБЛАР ОҒЗАКИ РИВОЯТЛАРИДА АЁЛ СИЙМОСИ

***Гулнора С. Муталова***
*Доцент, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)*
*Арабшунослик олий мактаби*
*Тошкент давлат шарқшунослик университети*
*Email:* gmoutalova@gmail.com
*Ўзбекистон, Тошкент,*

## МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** персонаж, қаҳрамон, аёл тасвири, сиймоси, оғзаки ҳикоялар, қабилавий ривоятлар, “Аййам ал-араб”, исломдан аввалги жамият, бадавий аёл, “муруввa”, индивидуал сифатлар.

**Аннотация:** Ушбу мақола исломдан аввалги жамиятда аёлларнинг роли ва ўрни, моҳияти ва фазилатлари, илк ўрта асрлардаги “Аййам ал-араб” оғзаки ривоятларида бадиий акс этган ижобий ва салбий томонларини ўрганишга бағишланган. Шу мақсадда баъзи қабилавий ҳикоялар – “Кунлар” танлаб олиниб, таҳлил қилинди, улар асосида тарихий воқеаларнинг асосий иштирокчилари, ўша давр қаҳрамон

аёллари аниқланди ва уларни таснифлашга ҳаракат қилинди.

# ОБЛИК ЖЕНЩИНЫ В УСТНЫХ ПРЕДАНИЯХ АРАБОВ

***Гулнора С. Муталова***
*Доцент, доктор философии по филологическим наукам (PhD)*
*Высшая школа арабистики*
*Ташкентский государственный университет востоковедения*
*Email: gmoutalova@gmail.com*
*Узбекистан, Ташкент*

**О СТАТЬЕ**

**Ключевые слова:** персонаж, герой, женский образ, облик, устные повествования, племенные предания, “Аййам ал-араб”, доисламское общество, женщина-бедуинка, ”мурувва”, индивидуальные качества.

**Аннотация:** Данная статья посвящена изучению вопроса роли и места женщины в доисламском обществе, её сущности и достоинств, положительных и отрицательных сторон, получивших художественное отображение в раннесредневековых устных повествованиях” Аййам ал-араб”. С этой целью были отобраны и проанализированы некоторые племенные сказания – “Дни”, на основе которых были выявлены главные участницы исторических событий, героини того времени, а также осуществлена попытка их классификации.

**Кириш**

Маълумки, арабларнинг исломгача бўлган ҳаётига оид ривоят ва ҳикоятлар узоқ вақт давомида оғзаки насрда мавжуд бўлиб, кейинчалик VIII аср охири - IX аср бошларида араб тилшунослари томонидан махсус тўпламларда жамланиб, ёзиб олинган (Filshtinsky, 1985; Mukhtarov, 2002; Shidfar, 2011). Бундай оғзаки ривоятлар кейинчалик басралик тилшунос Абу Убайда Маъмар ибн ал-Мусанна (728-825) томонидан йиғилган ва “Аййам ал-араб” (“Араблар кунлари”), деб номланган тўплам шаклига келтирилган. Маълумки, Абу Убайда “Аййам ал-араб”нинг иккита тўпламини тузган. Биринчиси 75 “кун”ни, иккинчиси эса – 1200 “кун”ни ўз ичига олган. Бошқа маълумотларга кўра, Абу-л-Фараж ал-Исфаҳоний 1700 “кун”дан иборат тўпламни яратишга муваффақ бўлган экан (Days of the Arabs…, 2004, p. 6). Афсуски, мазкур тўпламларнинг биронтаси ҳам бизгача етиб келмаган, улар ҳақидаги маълумотларни кейинги давр муаллифларнинг асарларидан топишимиз мумкин.

Адабиётлар таҳлили ва методология. Оғзаки ривоятларни ўрганишда бугунги кунгача етиб келган Абу Убайданинг қаламига мансуб “Нақаид Жарир ва-л-Фараздақ” асари, шунингдек, Ибн Рошиқнинг (999-1064) “Ал-‘Умда”, Ибн Абд Раббиҳининг (860-940) “Ал-‘Иқд ал-фарид”, Ибн ал-Асирнинг (1160-1233) “ал-Камил фи ат-тарих” ва бошқа ўрта аср

муаллифларининг асарлари муҳим манба ҳисобланади. Замонавий мисрлик олимлар Муҳаммад Абу-л-Фадл Иброҳим ва Али Муҳаммад ал-Бажавий араблар ҳаётига оид маълумотларни тўплаб, أيام العرب في الجاهلية "Аййам ал-араб фи-л-жоҳилийя" номли тўпламни туздилар (Days of the Arabs…, 2004, p. 352). Тадқиқот материалларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, улар тавсифий, қиёсий ва компонентли таҳлил асосида ўрганилди.

Натижалар. "Аййам ал-араб"нинг тарихий манба сифатидаги қадр-қиммати араб адабиёти ва тарихида маълум бўлган тарихий номлар билангина эмас, балки энг аввало, реал ҳаёт, жамиятнинг маънавий-ахлоқий қадриятларини акс эттиришнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. "Араблар кунлари" ривоятлари биз учун қабилалар ҳаётидаги бутун бир даврни тасвирлайди: бир пайтлар ҳақиқатда яшаган одамлар шу ерда ҳаракат қиладилар, улар реал шароитларда, ўз ватанларида, маълум бир вақтда мавжуд бўлиб, уларнинг "тарихийлигини" инкор этиб бўлмайди (Mutalova, 2020, pp. 28-40; Mutalova, 2021, pp. 136-143).

"Кунлар"нинг "содда холислиги" инсоннинг ички дунёси, унинг ҳис-туйғулари ва кечинмаларини очиб беришда ҳам намоён бўлади. "Аййам ал-араб"нинг диққат марказида ҳақиқатан ҳам тўқнашувлар ва низолар бор, лекин аслида, буларнинг барчаси ўзларининг манфаатлари ва эҳтирослари натижасида пайдо бўладиган одамлар ўртасидаги тўқнашувлардир. Буларнинг барчаси одамлар иштирок этадиган, уларнинг феъл-атвори ва фазилатлари намоён бўладиган воқеалардир. Ҳар бир лавҳа инсоннинг асл қиммати, унинг моҳияти ва сифатларини очиб беради.

"Араблар кунлари"даги қаҳрамонлар орасида кўплаб аёллар "образи" (тасвири) муҳим ўрин тутади. Ривоятларда бадавий аёлнинг қабила ҳаётида фаол рол ўйнаганлиги, эркакларни янги жасоратларга илҳомлантирганлиги ҳақида кўплаб мисолларни топиш мумкин. Машҳур "Ҳалима куни" энг гўзал аёллардан бири ҳисобланган Ғассонийлар шаҳзодаси ал-Ҳорис нинг қизи – Ҳалима шарафига номланган (Belyaev, 1966, p. 76).

Ғассонийлар шаҳзодаси ал-Ҳорис ал-Ғассоний билан ҳукмдор Ал-Мунзир ибн Ма ас-Самоийнинг қўшинлари ўртасидаги қонли жангда (Negrya, 1981, p. 71), ал-Ҳорис душмани бўлмиш ал-Мунзирни ўлдирган кишига ўз қизи Ҳалимани турмушга беришга ваъда қилган эди. Ғассонийлар қабиласидаги жасур жангчилардан бири Лабид ибн Умар Мунзирни ўлдиради ва Ҳалимани хотинликка олади (Days of the Arabs…, 2004, p. 50). Шундай қилиб, ривоятга кўра, Ҳалима ўзининг гўзаллиги билан отасига азалий рақибини мағлуб этишга ёрдам берди. "Ҳалима куни" арабларнинг мақол фондига "Ҳалиманинг куни сирли эмас" деган мақол сифатида киритилган. Бу мақолнинг келиб чиқишини Ҳалима номи билан боғлиқ бўлган бир қанча мақоллар ал-Майдоний (ваф. 1124) ўзининг "Мажмаъ ал-амсал" тўпламида изоҳлаб беради.

Аммо нафақат аёлларнинг ташқи кўриниши ўз қабиласининг жангчиларини илҳомлантирар эди. “Зи қар куни”да подшоҳ Ҳиро ан-Нуъмоннинг қизи Ҳинд, қабиласининг ғалабаси учун ўзини қурбон қилишга ҳам тайёр эди. Жасорат ва енгилмасликнинг намунасини кўрсатиб, у шундай дейди:

فلو أني أطقت لذاك دفعاً إذاً لدفعته بدَمِي وزِيري ...

(Days of the Arabs…, 2004, p. 29)

“Агар керак бўлса, мен уни ҳимоя қилиб, томирларимни кесиб ташлайман”.

Худди шу “кун”да аёлнинг бошқа бир “образи” гавдаланиб, “ғолибларни қайноқ қучоқллар, ютқазганларни эса абадий айрилиқ билан кутиб олиш”ни ваъда қилади.

إن تَهْزِموا نعانق و نَفْرِشُ النَّمَارِق

أو تُهْزَموا نفارق فِراقَ غير وامق

(Days of the Arabs…, 2004, p. 32)

Агар ғалаба қозонсангиз, биз сизни қайноқ қучоқлар билан кутиб оламиз,

ва агар сиз мағлуб бўлсангиз, биз абадий ажраламиз.

Кўриниб турибдики, қабиладаги аёл шунчаки пассив кузатувчи эмас, аксинча, ўз қабиласининг жангчиларини жасоратга ундайди, қабиланинг ҳаётида фаол иштирок этади.

Машҳур “Ҳарб ал-Басус” ривоятининг қаҳрамонлари икки аёл – Жалила ва Жалиланинг холаси Басус бинт Мунқиз эди. Жалила икки укаси Жассас ва Ҳаммомни эри Кулайбдан кучлироқ деб даъво қилиб, эрини ғазаблантиради ва у ғазабда Басусга тегишли туяни ўлдиради. Жассас холасини тинчлантиришга уринади, лекин Басус Жалиланинг бошқа укаси Саъадга мурожаат қилади ва уни Кулайб томонидан ўлдирилган туя учун қасос олишга ундайди:

Эй, Саъад! Ўзингни алдама ва кет бу ердан,

Мен қўшниси ўлим бўлган қабиладаман.

Подани ҳимоя қиладиган сендан бошқа ҳеч ким йўқ.

Улар мени бу уйда хиёнат кутаётганидан

огоҳлантирган эдилар...

(Days of the Arabs…, 2004, p. 117)

Исломдан аввалги даврга оид “Ҳавзанинг биринчи куни” ривоятидан маълум бўладики, ушбу давр Арабистонда аёллар юзларини ёпишмаган. Бу ривоятда машҳур шоира Хансанинг укаси Муовия ас-Суламийнинг Указда Асма ал-Муррия исмли жуда гўзал аёлни учратганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Асма турмушга чиққан аёл бўлган, у эрига Ҳошим ибн Ҳармалга содиқ хотини бўлиб, Муовиянинг ҳис-туйғуларини жавобсиз қолдиради. Рақиблар ўртасида жанжал келиб чиқади, “ҳақоратланган” Муовия Ҳошим қабиласига ҳужум қилади ва бу жангда ҳалок бўлади (Days of the Arabs…, 2004, pp. 221-222).

Аммо ислом динининг кейинги тарқалиш даврига оид ривоятларда аёллар юзларини ниқоб билан ёпиб юришгани айтилган. Масалан, “ал-Фижарнинг иккинчи куни”да ривоят қилинади: бир куни Кинона қабиласи йигитлари амирийлар қабиласидан бўлган келишган қизни кўриб қолишди. Улар ундан юзини кўрсатишни сўрашганида, у рад этди. Шунда улардан бири қизнинг устидан ҳазил қилиб, унинг орқасидан келди ва унга сездирмасдан, устки кийимининг четини шундай қистириб қўдики, қиз ўрнидан турганида, унинг пастки кўйлаги кўриниб қолди. Амирийлар қабиласининг эркаклари қабиладош қизни ҳақорат қилганлар билан жангга киришдилар. Чунки ўша даврнинг ўзига хос хусусияти “мурувва” (“эркак фазилатларига эга бўлиш”) тушунчаси бўлиб, унга кўра энг муҳим фазилат ор-номус бўлган: қабила шаъни, аёлнинг шаъни, сўнгра ҳарбий жасорат, олижаноблик, саховатлилик, меҳмондўстлик, қасос олиш одатига сўзсиз риоя қилиш ва ҳоказолар эди.

Маълумки, араблар исломгача бўлган даврда ўз аёлларига нисбатан яқин муносабатда бўлишига йўл қўймаганлар, буни шахсий ҳақорат деб билишган. Шундай қилиб, “Саҳбол куни”да бир куни Бану Ақил қабиласининг йигитлари Бану ал-Ҳорис қабиласининг қизлари билан учрашиб қолишганлиги ривоят қилинади. Қизларнинг қабиладоши бошқа қабиланинг йигити қизларнинг бирига кўзини қисиб қўйганини пайқади. Ўша заҳоти Бану ал-Ҳорис қабиласининг йигитларидан бири бегона йигитнинг юзига найза билан уриб, ундан қасос олди (Days of the Arabs…, 2004, p. 242).

Араблар учун ўз аёлларини бошқа қабила эркаклари томонидан қўлга олинишидан каттароқ шармандалик йўқ эди. Бунинг олдини олиш учун бадавийлар сўнгги нафасигача жанг қилишлари мумкин эди. Жумладан, “Қадид куни”да Бану Жушом қабиласининг бошлиғи Дурайднинг Бану Кинонага қарши навбатдаги юриши чоғида хотини билан келаётган бир киши билан учрашгани ҳақида ҳикоя қилинади. Дурайд одамларига аёл ва туяни ўша одамдан тортиб олишларини буюрди. Хотинини ҳимоя қилиш, кучлар тенг бўлмаса ҳам, бадавийлар учун ўз ҳаётидан кўра устунроқ эди (Days of the Arabs…, 2004, p. 241).

Шуни таъкилаш керакки, бундай воқеалар «Кундалар»да ихчам ва вазминлик билан тасвирланади, бу эса матннинг ҳиссий “қашшоқ”, эҳтиросли бўёқлардан холи деган тасаввур ҳосил қилади (Shidfar, 2011, pp. 9-45). Лекин аслида бу тасаввур тўғри эмас. Дарҳақиқат, бадавий аёлга бўлган ҳис-туйғулари ҳақида узоқ монологлар келтирмайди, унинг ҳадди-ҳаракатлари сўзлар ўрнига гапиради.

“Зи қар куни” ривоятида Форс шоҳи Хосров ва арабларнинг Хир ҳукмдори ан-Нуъмон ўртасида араб аёлларидан бирини Хосров саройига жўнатишдан бош тортгани сабабли юзага келган жанжал ҳақида ҳикоя қилинади. Бу ҳикояда халқ оғзаки ижоди билан узвий

боғлиқ бўлган китобий унсурлар ва услуб аниқ намоён бўлади. Бизнингча, бу тузувчининг муҳаррирлик меҳнати самарасидир.

Кейинги даврларда айнан шу аёл тасвирини кейинги дунёга машҳур “1001 кеча”, “Сийрат Амир Баҳлавон”, “Сийрат Антара”, “Сийрат Бану Ҳилол” ва бошқа асарларда ҳам учратиш мумкин. Шундай қилиб, дастлабки асарлар, жумладан “Аййам ал-араб” ривоятларида тақдим этилган аёл образи ўз долзарблигини сақлаб қолади ва кейинги жаҳонга машҳур адабий асарларда ўз аксини топади, бу унинг маданий анъаналарда универсаллиги ва аҳамиятидан далолат беради (Ibragimov, 1984, pp. 62-64; Mukhtarov, 2002, p. 115).

Шундай қилиб, бу ривоятга кўра, Форс подшоҳларининг аёл гўзаллигига нисбатан ўз талаблари бор эди. Бу ал-Мунзирнинг канизагининг таърифи бўлиб, ал-Ғассоний томонидан юриш пайтида ал-Ҳорисдан тортиб олинган ва кейинчалик ал-Мунзир канизакни Ануширвонга ҳадя этган. Бу таъриф подшоҳдан подшоҳга ўтиб, Хосров давригача сақланиб қолган.

أني قد وجَّهتُ إلى الملك جارية معتدلةَ الخَلْق، نقيَّةَ اللَّوْن و الثَّغر، بيضاء قَمْرَاء، وَطْفَاء، كَحْلَاء، دّعْجَاء، حَوْرَاء، عَيْنَاء، قَنْوَاء، شَمَّاء، بَرْجَاء، زَجَّاء، أَسِيلَةَ الْخَدِّ، شهيَّةَ المُقَبَّل، جَثْلَة الشعر، عظيمة الهامة، بعيدَةَ مَهْوَى القُرْط، عَيْطَاء، عريضةَ الصدر، كاعبَ الثَّدْي، ضَخْمَةَ مُشَاش المَنْكِب و العضدِ، حسنة المِعْصَم، لطيفةَ الكفِّ، سَبْطَةَ البَنَانِ، ضَامِرَةَ البَطْنِ، خَمِيصَةَ الْخَصرِ... عَزيزةَ النَّفَر، لم تُغَذَّ في بؤسٍ، حَيِيَّةً رَزِينةً، حليمة ركينة، كريمة الخال، تَقْتَصِرُ الأمور في الأدب، فرأْيُهاَ رَأيُ أهل الشرف، و عملُها عمل أهل الحاجة، صَنَاعَ الكفَّين، قطيعةَ اللسان، رَهْوَةَ الصوت ساكنته، تَزِين الوليّ، تَشين العدوّ ...

(Days of the Arabs…, 2004, pp. 23-25)

“Мен подшоҳга ўрта бўйли, териси ва оғзи тиниқ, ой нуридай оппоқ, қалин ва узун қошли, катта қора кўзли, узун бурунли, майин ёноқлари эхтирос уйғотадиган; қалин сочли ва чиройли бошли, кичик қулоқли, узун бўйинли, баланд ва тўлиқ кўкракли, қия елкали, ингичка билакли ва нозик бармоқли, текис тирноқли, озғин қоринли ва хипча белли ... хушмуомалали, муаммоларга дуч келмайдиган, яхши хулқли, мулойим, ўз отаси билан мулоқотни чеклайдиган ва қариндошларнинг маслаҳатисиз яшайдиган, яхши тарбияли, оқилона мулоҳаза юритадиган ва хатти-ҳаракатларда босиқ, қўллари маҳоратли, кам гап, сокин овозли; ўзининг хўжайинини мақтайдиган ва унинг душманларини қоралайдиган гўзал канизакни юбораяпман... “

Бир неча кундан кейин ан-Нуъмон хабар юборади ва унда Хосров сўраган нарса йўқлигини ёзади. Хосров ўз саволига элчидан шундай жавоб олади: “Мен сизга уларнинг аёлларини бошқаларга беришни истамасликларини айтгандим. Бунинг сабаби, уларнинг аянчли аҳволи ва тўқлик ва бой кийим ўрнига ихтиёрий равишда очлик ва яланғочликни танлаганликлари, зиндонда бўлсалар ҳам, сизнинг юртингизнинг ифорларидан кўра шамол ва самумни афзал кўришларидир”.

Кўриниб турибдики, араб аёллари ўзининг қабиладошлари орасида, эрининг ёнида барча қийинчилик ва машаққатларга бардош беришга, кўчманчи ҳаётнинг барча азоб-уқубатларини улар билан баҳам кўришга тайёр бўлган.

Бироқ, баъзи ривоятлар, масалан, "Каъба ибн Амр уруши" ёки "Ал-Барадан куни"да аёлларнинг хиёнати ва ҳийла-найранглари ҳақида ҳикояларни ҳам учратиш мумкин.

"Ал-Барадон куни"да Киндийлар етакчиси Ҳужр ал-Киндий Баҳрайнга қарши юришга чиққани ҳақида ривоят қилинади. Унинг йўқлигидан фойдаланиб, Сурия ҳукмдори Зиёд ибн Хабула Кинда қабиласининг барча мол-мулки ва аёлларини тортиб олди, улар орасида Ҳужрнинг хотини – Ҳинд ҳам бор эди.

Кўп ўтмай Зиёд ва унинг асирлигидаги Ҳинд ўртасида суҳбат бўлиб, у эри Ҳужрни ёмон кўришини ва уни заҳарламоқчи эканлигини тан олади, лекин Ҳужрнинг ҳушёрлиги ва эҳтиёткорлиги унга ўлимдан қутулиб қолишга ёрдам берди. Бу суҳбатни Ҳужрнинг содиқ хизматкори эшитиб, хўжайинига етказади:

Сизга ёлғон хабарлар келди.

Менинг ҳисоботим эса, ёлғон эмас.

Баъзан хабарчилар тушунарсиз гапирадилар,

Лекин мен сўзларимни яширмайман

(Days of the Arabs…, 2004, pp. 41-42).

Ҳужр аскарлари билан йўлга чиқди ва жангда Зиёд ибн Хабула ҳалок бўлди. Ҳужр Ҳинднинг ҳийлалари ва хиёнатини кечирмади ва уни шафқатсизларча қатл қилишни буюриб, қуйидаги сўзларни айтди:

Агар Ҳинддан кейин кимдир бошқасига мафтун бўлса –

Ўша кўр ва кар, аҳмоқ одам.

У [Ҳинд]нинг юзи ва суҳбати ширин эди,

У яширган барча нарса аччиқ эди,

Аёллар орасидан ҳеч қачон топа олмайсиз бундай аёлни,

Садоқат билан севадиган ва алдамайдиганини"

(Days of the Arabs…, 2004, p. 43)

Хулоса. Ривоятларда жами 40 га яқин аёл "тасвири" мавжуд бўлиб, уларнинг қисқача таҳлили шуни кўрсатдики, "Аййам ал-араб" исломдан олдинги Арабистондаги аёл қиёфасини бир томонлама тавсифлаш ва уни идеаллаштириш билан чекланмайди. Кўриниб турибдики, эпосда портрет санъати ҳали ривожланмаганлиги ва персонажни индивидуал тасвирлаш, унинг ички руҳий оламини очиш имконияти бўлмагани учун аёлнинг ташқи кўриниши индивидуаллаштирилмаган. Бошқача қилиб айтганда, аёл қиёфаси ҳали "индивидуал" фазилатларга эга эмас.

Бадавий эркак аёлга бўлган ҳис-туйғуларини ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ифодалайди: у онаси, хотини, синглиси, қариндоши ёки оддий қабиладош аёлнинг шаънини қаттиқ ҳимоя қилади, лекин хиёнатни, бевафоликни кечирмайди ва қаттиқ жазолайди. Шу билан бирга, бадавийларнинг аёл гўзаллиги ҳақида ўзига хос аниқ ғоялари борлигини таъкидлаш керак, буни “Кунлар” нинг бирида унинг барча гўзалликларини тасвирлаш учун берилган 62 эпитет (сифатлаш)лар тасдиқлайди.

Аёл “тасвирлари” таснифига келсак, қуйидагиларни умумлаштириш мумкин. Аёл қаҳрамонларининг биринчи гуруҳи ақлли, фаҳмли ва фазилатли бадавийлар сифатида намоён бўлади; иккинчи гуруҳни – “Кунлар” нинг жасоратли, ташаббускор ва фидойи қаҳрамон аёллар ташкил қилади. Учинчи гуруҳ эса, турмуш ўртоғига, қолаверса яқинларига ва бутун қабиласига хиёнат қилувчи маккор, айёр ва хоин аёллардир. Ва баъзида ривоятларда муҳим ўрин тутган аёл “тасвири” эркак тасвирларига қараганда ранг-баранг, характер жиҳатидан кучлироқ ва таъсирли кўринади.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**


1. Belyaev, E.A. (1966). Arabs, Islam and the Arab Caliphate in the Early Middle Ages. Araby, islam i Arabskiy khalifat v ranneye srednevekov'ye. – Moscow: Nauka. – 278 p. (in Russian)
2. Days of the Arabs in the Jahili period. (2004). Compiled by: Muhammad Abu al-Fadl Ibrahim, Ali Muhammad al-Bajawi. Ayyam al-Arab fi-l-jahiliyya. Ta’lif: Mukhammad Abu al-Fadl Ibrakhim, Ali Mukhammad al-Bazhavi. – Beirut: al-Maktaba al-asriyya. – 352 p. (in Arabic)
3. Filshtinsky, I.M. (1985). History of Arabic Literature V – early X century. Istoriya arabskoy literatury V - nachalo X veka. – Moscow: Nauka. – 225 p, (in Russian)
4. Ibragimov, N.I. (1984). Arabian folk novel. Arabskiy narodnyy roman. – Moscow, 1984. – 256 p. (in Russian)
5. Saidova N.M. Features of the development of the Saudi realistic story in the second half of the twentieth century. Osobennosti razvitiya saudovskogo realisticheskogo rasskaza vo vtoroy polovine XX veka. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding. Germany, 2021. - 365p
6. Lundin, A.G. (1961). Southern Arabia in the VI century // Palestinian collection. Yuzhnaya Araviya v VI veke // Palestinskiy sbornik. Vol. 8 (71). – Moscow-Leningrad. – 170 p. (in Russian)
7. Mukhtarov, T.A. (2002). Novel in classical Arabic literature. Novella v klassicheskoy arabskoy literature. – Tashkent: Uzbekistan. – 192 p. (in Russian)

8. Mutalova, G. S. (2021). Heroes of the Eastern saga «Ayyam al-Arab». ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (93), 136-143. Doi: https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2021.01.93.24

9. Mutalova, G.S. (2020). Heroes of Arab tribal legends "Ayyam al-arab". Eastern Torch, 1, (1) 28-40. retrieved from https://inlibrary.uz/php/eastern-torch/article/view/13262

10. Negrya, L.V. (1981). The social system of North and Central Arabia in the V-VII centuries. Obshchestvennyy stroy Severnoy i Tsentral'noy Aravii v V-VII vv. – Moscow: Nauka. – 159 p. (in Russian)

11. Shidfar, B.Ya. (2011). The System of Images in Classical Arabic Literature of the VI–XII Centuries. Obraznaya sistema arabskoy klassicheskoy literatury (VI-XII vv.). – Moscow: Mardjani Publishing House. – 319 p. (in Russian)